

Мерос



19:40 / 10.03.2023 5057

Ўтган асрнинг ўрталари. «Бахтиёр оила»да «Соғлом бола» дунёга келди. Бу оила «Иймон»ли, «Мукаммал саодат йўли»ни танлаган, «Яхшилик ва силаи раҳм»ни маҳкам тутган, «Кексаларни эъзозлаш»ни билган, «Бозор ва унга боғлиқ масалалар»да «Исроф»дан узоқ, «Ёлғон»дан йироқ оила эди. «Амаллар ниятга боғлиқдир» дея ота-она фарзандига «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга содиқ Муҳаммад Содиқ» деб исм қўйдилар.

Фарзандининг «Соф табиат дини» бўлмиш «Ислом тарихи»да «Самарқанднинг сара уламолари» каби уламо бўлишини, «Васатия-ҳаёт йўли»да «Одоблар хазинаси»дан истифода қилиб «Ижтимоий одоблар»ни жамиятга татбиқ этишини, «Мўминнинг меърожи, қалқони, нажоти, умр сафари»ни одамларга «Ҳидоят имоми» сингари «Дин насихатдир» дея таълим беришини, «Қуръон илмлари», «Усулул фикҳ», «Мусталаҳул ҳадис»

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар»ни чуқур ўрганиб, умматга, миллатга «Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси»ни тақдим этишини ният қилишган бўлса не ажаб?!

Бу зот «Оламларга раҳмат пайғамбар» бўлган «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам»га сидқидилдан эргашди. Илм талабида бўлди. Ниҳоят олган илмларини улашиш учун китоблар таълиф этди. «Олам ва одам, дин ва илм»ни қамраб олиб, «Сунний ақийдалар»дан «Фикҳий йўналишлар ва китоблар»ни «Очиқ хат» каби «Ҳалол очиқ ойдиндир, ҳаром очиқ ойдиндир» дея қалам тебратди.

«Сарахс аҳли сўраган масалалар. Касбнинг баёни»да ёки «Қарз ва унга боғлиқ масалалар»да «Ихтилофлар: сабаблар, ечимлар» пайдо бўлса, «Зикр аҳлидан сўранг» дея «Кифоя» қилгулик жавоблар топилди.

Уммат «Зухд ва ҳаё»да «Пешқадамлар розияллоҳу анҳум»лардан ибрат олишида «Руҳий тарбия»нинг ўрни алоҳида бўлгани учун «Тасаввуф ҳақида тасаввур» эгаллаши «Ният, ихлос ва илм китоби»га юзланиб, «Нақшбандия (вазифалар, зикрлар)»даги «Дуолар, зикрлар, истиффор ва тавба»да мунтазам бўлиши учун «Ҳислатли ҳикматлар шарҳи»дан сўз очди.

Аллоҳ таоло бу бандасига каломининг маънолар эшигини очди. Шундан сўнг ўзбек тилида янги ой бўлиб «Тафсири Ҳилол» чиқди.

Аллоҳ таоло бу бандасига ҳабибининг сўзларини: «Ҳадис ва ҳаёт»ини ўзбек тилида баён этиши учун «Олтин силсила»дек улкан хазинага йўл очди.

«Ахёрлар ва диёрлар» ҳақида гап кетса, бугун Мовароуннаҳр диёри, хусусан, Ўрта Осиё, Ўзбекистон аҳли бу зотни самимий эҳтиром билан тилга олади. Бизга қолгани эса у зотдан қолган илмий меросни ўрганиш, ҳаётимизга татбиқ этишдир. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг халқ, миллат, уммат олдида қилган хизматларидан Аллоҳ таоло рози бўлсин!

10.03.2021 йил.

Қамариддин Бекмуҳаммад